


III. ҚИШЛОҚ, ҰРМОН ВА БАЛИҚ ХҲЖАЛИГИ


2020 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 2 027,4 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 104,9 фоизни, шу жумладан, ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 155,2 млрд. сўмни (103,3 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 1 790,9 млрд. сўмни (105,1 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 5,8 млрд. сўмни (106,7 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 16,8 млрд. сўмни (108,5фоиз), овчилик хўжалигида 0,2 млрд. сўмни (157,5 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 58,5 млрд. сўмни (101,3 фоиз) ташкил қилди.

2020 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 88,4 фоиз).


2020 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши
(фоиз ҳисобида)



- Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Фермер хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида кичик бизнеснинг ўрни

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,9 фоизга ошиши таъминланди, шунингдек ўз навбатида кичик бизнеснинг жами қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши эса 97,3 фоизни ташкил этмоқда.



Аҳоли жон бошига қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Қувасой шаҳрида (859,7 минг сўмни ёки 114,4 фоизни), Фарғона туманида (797,1 минг сўмни ёки 106,2 фоизни), Олтиариқ туманида (752,1 минг сўмни ёки 104,0 фоизни) вилоят кўрсаткичидан энг юкори ва аксинча Кўкон шаҳарида (249,5 минг сўмни ёки 96,6 фоизни), Учкўприк туманида (529,5 минг сўмни ёки 98,5 фоизни), Сўх туманида (540,7 минг сўмни ёки 99,3 фоизни), Марғилон шаҳарида (206,9 минг сўмни ёки 99,8 фоизни), Боғдод туманида (556,0 минг сўмни ёки 99,9 фоизни) энг паст кўрсаткичлар кузатилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажмини аҳоли жон бошига тўғри келиши ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари



Дехқончилик. 2020 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 155,2 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 103,3 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 8,0 фоизни ташкил қилди.

Ҳосилни йиғиб олиш. Барча тоифадаги хўжаликларда 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига сабзавот 7 369 тонна (103,3 фоиз) етиштирилди.

2020 йилнинг январь-март ойларида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда
Сабзавотлар	202	106,9	7 091	103,2	76	110,1

2020 йилнинг январь-март ойларида хуудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Сабзавотлар, жами (тонна)



Чорвачилик. Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2020 йилнинг январь-март ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1 790,9 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 105,1 фоизни (2019 йилнинг январь-март ойларида 106,2 фоизни) ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 92,0 фоизни ташкил этди.

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 1 007,1 минг бош (0,1 фоизга), шу жумладан сигирлар 374,1 минг бош (0,1 фоизга), қўй ва эчкилар

858,7 минг бош (0,1 фоизга), отлар 9 110 бошга (0,8 фоизга), паррандалар 7 934,5 минг бошга (2,7 фоизга) кўпайди.

**2020 йил 1 апрель ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича
чорва моллари ва паррандалар**

	<i>Фермер хўжаликлари</i>		<i>Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари</i>		<i>Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар</i>	
	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>
Йирик шохли қорамоллар	56,5	109,3	941,8	99,7	8,8	91,7
<i>шу жумладан:</i> сигирлар	17,5	112,2	354,6	99,6	2,0	100,0
Қўйлар ва эчкилар	55,5	117,1	799,3	99,1	3,9	110,8
Отлар	1 395	105,4	7604	100,1	111	93,3
Паррандалар	867,7	121,6	5 000,6	100,8	2 066,2	100,6


Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 93,5 фоизни, фермер хўжаликларида 5,6 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда – 94,8 ва 4,7 фоизни, қўй ва эчкилар – 93,1 ва 6,5 фоизни, отлар – 83,5 ва 15,3 фоизни, паррандалар–63,0 ва 10,9 фоизни ташкил қилди.

**2020 йил 1 апрель ҳолатига ҳудудлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар**


Йирик шохли қорамоллар (минг бош)



шу жумладан: сигирлар (минг бош)




Қўйлар ва эчкилар (минг бош)



Паррандалар (минг бош)



Отлар (бош)



2020 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 34,8 минг тонна гўшт (2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 5,5 фоизга кўп), 195,9 минг тонна сут (4,3 фоиз), 99,5 млн. дон тухум (11,7 фоиз), 94 тонна жун (4,4 фоиз) ишлаб чиқарилди ҳамда 1 122 тонна балик (9,7 фоиз) овланди.


Мамлакатимизда паррандачилик соҳасини ривожлантириш ва экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек вилоятимизда аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон паррандачилик маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳамда берилаётган имтиёзли кредитлар натижасида вилоятимизда 2020 йил 1 апрель ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда паррандалар 7 934,5 минг бошни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан (2,7 фоиз)га кўп, шундан фермер хўжаликларида 867,7 минг бош (21,6 фоиз)га, деҳқон (шахсий ёрдамчи хўжаликлари)да 5 000,6 минг бош (0,8 фоиз)га, кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 2 066,2 минг бош (0,6 фоиз)га кўпайган.

Тухум етиштириш барча тоифадаги хўжаликларда 99,5 млн. донани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан (11,7 фоиз)га, ёки 10,4 млн. донага ошган, шундан фермер хўжаликларида 21,6 млн. дон (69,6 фоиз)га, деҳқон (шахсий ёрдамчи хўжаликлари)да 59,2 млн. дон (1,0 фоиз)га, кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 18,7 млн. дон (5,4 фоиз)га кўпайган.


2020 йилнинг январь-март ойларида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар	
	миқдори	ўсиш суръати, фоизда	миқдори	ўсиш суръати, фоизда	миқдори	ўсиш суръати, фоизда
Гўшт, тирик вазнда, минг тонна	1,3	103,7	30,8	103,4	2,7	138,8
Сут, минг тонна	5,8	116,8	189,1	103,8	1,0	159,9
Тухум, млн. дона	21,6	169,6	59,2	101,0	18,7	105,4
Жун, тонна	36	105,9	57	101,8	1	-
Овланган балиқ, тонна	678	112,8	105	104,0	339	105,6


2020 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш



Тухум (млн. дона)



Жун (тонна)



Балиқ (тонна)

